2011 ЙИЛ 29 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 247—248 (12.058—12.059) Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Марказий офицерлар уйида 2011 йил нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган бир гуруҳ ҳарбий спортчи ва мураббийларни шарафлаш маросими бўлиб ўтди.**

### Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллигига

## ЭЛ-ЮРТ ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ – ЮКСАК ШАРАФ



Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Бердиев, маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Ж.Акромов, Миллий олимпия қўмитаси раиси М.Бобоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий армиямиз сафларини ҳар томонлама соғлом йигитлар билан кенгайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ва касб маҳоратини ошириш, профессионал спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилаётган доимий эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Марказий ҳарбий спорт клуби аъзоларининг миллий терма жамоаларимиз таркибида халқаро мусобақалардаги ютуқлари сони ва салмоғи йил сайин ошиб бораётгани бунинг далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг 1993 йил 19 мартда қабул қилинган Фармонига биноан ташкил этилган мазкур ҳарбий спорт клубида 660 нафардан зиёд спортчи дзюдо, бокс, кураш, енгил ва оғир атлетика, таэквондо, теннис, эркин ва юнон-рум кураши, трамполин каби 19 спорт тури бўйича шуғулланмоқда. Улар 2011 йили халқаро мусобақаларда 72 олтин, 59 кумуш ва 66 бронза медални қўлга киритди. Бир қатор спортчилар 2012 йили Лондонда ўтказиладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида муносиб иштирок этиш учун мамлакатимиз терма жамоалари таркибида пухта ҳозирлик кўраётир.

Клуб вакилларидан Ришод Собиров Францияда дзюдо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритиб, икки карра жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Рамзиддин Саидов Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган Осиё чемпионатида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Полвонларимиз «Мастерс», «Катта дубулға» ва «Гран-при» туркумига кирувчи кўплаб турнирларда ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

– 2012 йилги спорт мавсуми биз, спортчилар учун жуда масъулиятли йил, – дейди Р.Собиров. – Ниятимиз Олимпиадада Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишдир.

Боку шаҳрида бокс бўйича ўтган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Элшод Расулов, Орзубек Шоимов, Фазлиддин Ғоибназаров ва Жасур Латипов Лондон Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритди. Шунингдек, енгил ва оғир атлетика, таэквондонинг WTF йўналиши билан шуғулланаётган ҳарбий спортчиларимиз ҳам Олимпия ўйинларига йўлланма берувчи қатор нуфузли мусобақаларда муваффақиятли қатнашди.

– 2011 йил мен учун анча омадли бўлди, – дейди Юлия Тарасова. – Давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» унвонига сазовор бўлдим. Тошкентда енгил атлетика бўйича ўтказилган Ўзбекистон очиқ чемпионатида олтин медални қўлга киритиб, Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи халқаро меъёрни бажардим.

Халқаро мусобақаларда ғолиб ва совриндор бўлган ҳарбий спортчиларга эсдалик совғалари топширилди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамблининг байрам концерти намойиш этилди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

## Ўзбекистон – хорижликлар нигоҳида

## «ЯНГИ ЙИЛНИ ЮРТИНГИЗДА КУТИБ ОЛАЁТГАНИМДАН ХУРСАНДМАН»

**Мамлакатимизда Янги йил айёмини кўтаринки руҳда ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Байрам арафасида пойтахтимиз кўчаларида, сайилгоҳ ва боғларида кўплаб хорижлик сайёҳларни учратиш мумкин. ЎзА мухбири улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.**

**Стейн ОЛБЕРГ (Норвегия):**

– Ўзбекистонга оилам билан келдим. Мўъжизавий шаҳарларингизни кўриб, миллий урф-одатларингиз билан танишиб, юртингизга мафтун бўлиб қолдик. Мамлакатингизда ноёб меъморий обидалар, халқ амалий санъати дурдоналарини кўриб ҳайратландик.

Саёҳатимиз асносида олган таассуротларимизни таърифлашга ожизмиз. Мустақиллик майдонида безатилган улкан арча, турфа ўйинчоқлар, арча атрофида рақсга тушаётган шўх-шодон болажонлар майдонни эртаклар шаҳарчасига айлантириб юборган. Фарзандлари билан юрган ота-оналарни, байрам совғалари харид қилаётган қувноқ ёшларни, болакайларга совға улашаётган Қорбобо ва Қорқизни кўриб, юртингизга, одамларингизга чин дилдан ҳавасимиз келди. Бу ерда менинг фарзандларим ҳам яйраяпти. Юртингизда болаларнинг қишки таътили жуда мароқли ва сермазмун ўтиши учун яратилган шарт-шароит таҳсинга лойиқ.

**Гао ЦЗИНЬТЯНЬ (Хитой):**

– Ўзбекистонда Янги йил байрами кенг нишонланаётганининг гувоҳи бўляпман. Юртингизда Янги йил байрами барча ёшдагилар, айниқса, болалар учун қизиқарли ўтар экан. Кўчалар ва сайилгоҳларда турли ҳажм ва турдаги арчалар, ранг-баранг чироқлар, болалар учун махсус аттракционлар ўрнатилгани, томоша дастурлари, концертлар, кўрик-танловлар ташкил қилинаётгани, Янги йил савдо ярмаркалари ўтказилаётгани алоҳида эътиборга молик.

Бугун Ўзбекистон сайёҳлар учун энг жозибали мамлакатлардан бирига айланган. У ўзининг таровати билан ҳали кўпчиликни лол қолдиришига шубҳа йўқ. Ушбу жаннатмонанд юртга яна кўп келишни истардим.

**Бхушан ДХАР (Ҳиндистон):**

– Тошкентда бундан тўрт йил аввал бўлган ва имкон бўлса, яна албатта келаман, деб ният қилгандим. 2012 йилни халқингиз катта шодиёна билан кутиб олаётганининг гувоҳи бўляпман. Қисқа фурсат ичида азим Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада гўзаллашибди.

Янги йил арафасида Тошкент кўчаларида безатилган арчалар, ранг-баранг чироқлар осилган дарахтлар ва бинолар кўзни қувонтиради. Жажжи болакайлар билан гавжум майдонлар, боғ ва хиёбонлардаги байрам тантаналари дилларга завқ бағишлайди. Янги йилни эртакмонанд диёрингизда кутиб олаётганимдан бахтиёрман.

**Петер БЕЕТЦ (Германия):**

– Ўзбекистонни жаннатмонанд ўлка дейишлари бежиз эмас экан. Заминингиз саховатли, одамларингиз кўнгли очиқ, миллий қадриятларингиз ғоят ажойиб ва жуда бой. Юртингизга саёҳатим Янги йил байрамига тўғри келганидан қувончим чексиз.

Янги йилни хорижда кутиб олишни кўпдан орзу қилар эдим. Ана шу орзуимни рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистонни танлаганимдан хурсандман.

Юртингиз байрам кунлари янада гўзал ва мафтункор диёрга айланибди. Мамлакатингиз истироҳат боғлари ва майдонларидаги, айниқса, Мустақиллик майдонидаги улкан арча барча учун ажойиб туҳфадир.

**Хавиер ЯКУЭС (Франция):**

– Янги йил байрами кунлари сайёҳларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун Ўзбекистонда барча шароит муҳайё. Янги йил арафасида Тошкентнинг кенг кўчалари ва майдонлари, сайилгоҳлари, меҳмонхона ва ранг-баранг байрам томошаларини катта қизиқиш билан кузатмоқдаман. Бу заминда ҳар бир байрам қизиқарли ва мароқли ўтишига ишонаман.

Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, инсонпарварлиги, бағрикенг ва меҳр-оқибатлилиги қалбимдан чуқур жой олди. Ўзбеклардек ширинсухан инсонларни кам учратганман. Юртингизда турли миллат вакилларининг аҳил, иноқ, ҳамжиҳатликда ҳаёт кечиришини кўриб, ҳавасим келди. Давлатингиз томонидан халқингизга кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳар қадамда сезилиб турибди.

**Нодира МАНЗУРОВА**
**ёзиб олди.**

## ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ ШУКУҲИ



**Шу кунларда шаҳримиздаги марказий майдонларга ўрнатилган Янги йил арчаларию қувноқ байрам томошалари ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари дилларини хушнуд этмоқда.**

Ҳар доимгидек, бу йил ҳам янги йил байрамига катта тайёргарлик кўрилди. Пойтахтдаги энг баланд арча Мустақиллик майдонига ўрнатилди. Жорий йилнинг 25 декабридан байрамона безатилган ушбу арча атрофида янги йилга бағишланган томошалар бошланиб кетди. Арча атрофидаги Қорбобо ва Қорқизлар нафақат кичкинтойлар, балки катталар диққатини ҳам ўзига жалб қилмоқда. Бугунги кунда майдон байрам шукуҳи билан ташриф буюрган шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари билан гавжум. Махсус саҳнада санъаткорлар томонидан янги йил томошалари намойиш этилмоқда. Чор атрофда янги йил совғалари билан савдо қилувчи ўнлаб расталар ўрнатилган.

— Ҳар йили байрам арафасида Бош майдонимизга набираларимдан бирини етаклаб келаман, — дейди шайхонтоҳурлик опахон Жамила Калонова, — Йилдан-йилга байрам ўзгача тус олмоқда. Айниқса бу йилги байрам томошалари кенг миқёсли, ҳар томонлама пухта ташкил этилганлиги мени ҳам, набирамни ҳам беҳад суюнтирди. Бу майдонда бўлган кишининг қайтиб кетгиси ҳам келмай қолади.

— Яқин атрофдаги коллежда таълим оламиз. Дугоналарим билан томошага келдик, — дейди Наташа Колганова. — Хуллас дилдан яйраб, маза қиляпмиз. Бунақа байрамни анчадан бери кўрмаган эдик.

*(Давоми 8-бетда)*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ОЛМАЗОР** туманидаги 165-мактабда «Қизларни оилага тайёрлаш» мавзусида ўтказилган тадбир Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими томонидан ташкил этилди.

✓ **«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Миробод тумани Кенгаши ташаббуси билан жойларда Янги йил байрам тадбирлари ўтказилмоқда.

✓ **МИРЗО** Улуғбек туманида «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан туман маданият ва спорт ишлари бўлими билан ҳамкорликда болалар учун Янги йил байрам тадбирлари ташкил қилиниб, кичкинтойларга совғалар улашилди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Олий Мажлис Сенатида парламент юқори палатасининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.**

**● Урганчда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг инфратузилмани, транспорт ва коммуникацияларни ривожлантириш дастурининг Хоразм вилоятида амалга оширилишини ўрганиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, маҳаллий кенгашлар депутатлари, тегишли корхоналар раҳбарлари, бир қатор нодавлат нотижорат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ҳамда «Нoширлик фаолияти тўғрисида»ги қонунларнинг Андижон ва Сирдарё вилоятларидаги ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган йиғилишда медиа соҳа вакиллари, Андижон ва Сирдарё вилоятларидаги оммавий ахборот воситалари, ноширлик йўналишида фаолият кўрсатаётган ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

**● Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси республика Марказий банки ҳамда Сирдарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда Гулистон шаҳрида «Тадбиркорлик — мустаҳкам оила пойдевори» мавзуида бизнес-форум ташкил этди.**

### ЖАҲОНДА

**● АҚШлик 15 ёшли Жордан Ромеро барча қитъалардаги энг юксак чўққиларни забт этган ер юзидаги биринчи ўсмир бўлди. Ўтган ҳафта охирида у Антарктидадаги Винсент Массиви чўққисига чиқиб, етти йил аввал бошлаган саёҳатини якунлади. Бу вақт ичида йигитча Австралиядаги Костюшко тоғи, Кавказдаги Эльбрус, Жанубий Америкадаги Аконкагуа, Шимолий Америкадаги Маккинли ва Индонезиядаги Пунчак Жая чўққиларини забт этишга муваффақ бўлган. Ромеро 13 ёшида Эверест чўққисига чиққанди.**

**● Жорий йилнинг ноябрь ойида Францияда ишсизлар сони 2,85 миллион кишига етганди. Декабрь ойига келиб эса улар сафи яна 29,9 минг нафарга ортган. Изоҳланишича, мамлакатда бу борадаги вазиятнинг ёмонлашишига иқтисодий ўсиш суръатларининг жуда сустлиги ва Европада давом этаётган иқтисодий инқироз сабаб бўлмоқда. Франция тарихида сўнгги 12 йил ичида ишсизлик бундай паст кўрсаткичда бўлмаган экан.**

**● Германиянинг Рюген оролида кўчки содир бўлди. Оқибатда икки киши тан жароҳати олган, бир қизалоқ бедарак йўқолган. Уни қидиришга махсус техникалар ва қутқарувчилар жалб этилган. Аммо ҳозирча бу натижа бергани йўқ. Айримлар қизчанинг соғ-саломат топилишига умид йўқлигини ҳам билдиришмоқда. Чунки кўнгилсизлик юз берган ҳудудда ҳаво ҳарорати анча совуқ бўлиб, бундай шароитда унинг омон қолиш эҳтимоли кам. Рюгенда шу йилнинг август ойида безарар кўчки содир бўлганди.**

**● Шу пайтгача чақалоқ миясида қандай жараёнлар кечиши аниқланмаган. Дунёнинг етакчи мутахассислари томонидан ўн йил мобайнида олиб борилган кузатишлар якунида бу масалага ойдинлик киритилди. Яъни ўн ойлик чақалоқ одамнинг хаёлини ўқий оларкан. Беш ойлигида эса у мусиқани бир-биридан фарқлайди. Агар чақалоқ ўзига ёқмайдиган оҳанг янграса, дарҳол тескари ўгирилиб оларкан. Колумбия университети мутахассиси Жанет Веркернинг айтишича, 4-6 ойлик гўдаклар лабингизга қараб, нима деяётганингизни англаркан.**

# ЭЗГУЛИККА ҚЎЙИЛГАН ЁДГОРЛИК

**28 декабрь – Ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи очилган кун.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг ғояси ва ташаббуси асосида мамлакатимизнинг бош майдонида қад ростлаган Мустақиллик ва эзгулик монументи ўз мазмун-моҳияти, меъморий ечими, ғоявий-бадиий жиҳатлари билан халқимиз қалбидан чуқур жой олган. Маъно-мазмуни билан Ўзбекистон танлаган йўл – Мустақиллик йўлининг теран ифодаси, халқимизнинг кўп асрлик қадриятлари яққол намоёнидир бу монумент.

Истиқлол йилларида Мустақиллик майдони улкан меъморий ансамблга айланди. Бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бош майдонимизнинг нафақат манзарасини, балки мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Бир пайтлар фақат бетону асфальт билан қопланган бу майдон эндиликда йил-ўн икки ой яшнаб турувчи кўкаламзору турфа гуллари, дарахтлари билан ҳам кўзни қувонтиради. Кундузлари қуёш нурида, тунлари эса нурафшон чироқлар шуъласида жилоланувчи фавворалар майдон ҳавосини мўътадил сақлайди. Бугун бу ерга келган ҳар бир киши ажиб бир сокинликни, ушбу сокинлик замиридаги тинчлик ва осойишталикни янада теранроқ ҳис қилади.

Мустақиллик майдонига йўл Эзгулик аркасидан бошланади. Унинг тепасидаги оппоқ лайлаклар тинчлик ва фаровонликни, қанот қоқаётган турналар эса давлатимизнинг порлоқ келажак сари дадил парвоз қилаётгани тимсолидир.

Президентимиз Ислом Каримов 2005 йилнинг 28 декабрида Мустақиллик майдонида қад ростлаган янги монумент пойига илк бор гулчамбар қўйди. Майдонда истиқлолимизнинг дастлабки кунларида барпо этилган Мустақиллик монументи олдидан Бахтиёр она сиймоси жой олди. Юртбошимизнинг таклифига биноан, ушбу мажмуага ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи – Мустақиллик ва эзгулик монументи, деб ном берилди.

Мустақиллик ва эзгулик уйғун тушунчалардир. Халқимиз учун мустақиллик – тинчлик-фаровонлик, ғурур ва ифтихор, эзгулик эса меҳр-оқибат, маънавий баркамоллик деганидир.

Бугун ушбу монумент пойига зиёратга келган ватандошларимиз Ер курраси тасвирида алоҳида ажралиб турган Ўзбекистон харитасини кўриб, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини ҳис қилади. Фарзандини бағрига босиб турган бахтиёр она сиймосида ўз онасини, беғубор болалигини, баркамол авлодини кўргандек бўлади.

Она деганда кўз олдимизда меҳрибон, жонкуяр, сабр-матонатли, муштипар аёл тимсоли гавдаланади. Уни ардоқлаш, меҳр-муҳаббатига яраша эъзоз ва эътибор кўрсатиш дунёдаги энг эзгу амалдир. Мамлакатимиз бош майдони марказида қад ростлаган Бахтиёр она ҳайкали юртимизда хотин-қизлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигининг, оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотига кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

Шу жиҳатдан бу мажмуа нафақат ўзининг меъморий ечими, балки ғоявий-бадиий юки, тарбиявий аҳамияти билан ҳам қадрлидир. Чунки инсоннинг маънавияти ва дунёқарашини белгилайдиган мезонлар айнан она бағрида, оила муҳитида куртак ёзади.

Президентимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади.

Халқимиз азал-азалдан оилани муқаддас даргоҳ деб билган, ота-оналар ўз фарзандларини яхшилик ва олижаноблик, меҳр-оқибат ва ҳурмат руҳида тарбиялаган. Мустақиллик йилларида бу қадриятлар янгича маъно-мазмун билан бойиб, оилалар ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг асосий бўғинига айланиб бормоқда. Она ва бола саломатлигини сақлаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга доимий эътибор қаратилмоқда. Юртбошимизнинг ташаббуси билан кириб келаётган 2012 йилга Мустаҳкам оила йили, деб ном берилгани ҳам бу эзгу ишлар бардавом эканидан далолатдир.

Бугун мустақил ҳаётга қадам қўяётган келин-куёвлар Бахтиёр она пойига гул қўяркан, унинг сиймосида ўзининг беғубор, пок орзуларини кўргандек бўлади. Мустақиллик ва Эзгуликни ўз ҳаётий мезонига айлантириб, келажак авлодларга етказиш масъулиятини англайди.

Ушбу улуғвор монумент бунёд этилгач, умумхалқ байрамлари ва тантанали маросимларда, спортчиларимизни халқаро мусобақаларга кузатиш пайтида унинг пойига гулчамбарлар қўйиш яхши анъанага айланди. Юртимизга ташриф буюрган хорижий мамлакатлар раҳбарлари, турли даражадаги делегациялар вакиллари давлатимизга бўлган ҳурматини ушбу Монумент пойига гулчамбар қўйиш орқали ифода этмоқда. Мактаб остонасига қадам қўяётган ўқувчиларнинг Мустақиллик дарслари ҳам айнан шу мўътабар масканда ўтказилмоқда.

Пойтахтимизга ташриф буюрган меҳмонлар дастлаб Мустақиллик майдонини зиёрат қилади. Улар орасида мактаб ўқувчилари, талабалар, нуроний отахону онахонлар, хорижлик сайёҳларни учратиш мумкин.

Мустақиллик майдони Янги йил байрами арафасида янада кўркам ва файзли қиёфа касб этган. Бу ерда қад ростлаган улкан арча каттаю кичикка бирдек завқ улашмоқда. Турфа безаклар, аттракционлар, театрлашган мусиқий дастурлар майдонда ўтказилаётган байрам шодиёналарига ўзгача шукуҳ бахш этмоқда. Бу юртимиздаги тинчлик ва осойишталик натижасидир.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

Тадбирлар

## ДАСТЛАБКИ КЎНИКМАЛАРНИ ЭГАЛЛАДИЛАР

**Айни кунларда пойтахтимиздаги мактабларда саводхонлик байрамлари ташкил этилмоқда. Жумладан, Шайхонтоҳур туманида жойлашган 157-мактабда ҳам «Алифбе байрами» бўлиб ўтди.**



Илк билим даргоҳи бўлмиш мактабга кечагина биринчи қадамларини ташлаган жажжи 1-синф ўқувчилари бугун «Саводхонлик байрами»да олган билимлари ва иқтидорларини, тайёрлаган байрам дастурларини ота-оналари ҳамда устозларига намойиш этдилар.

– Бу болажонлар юракларда ҳаяжон билан жонажон мактабимиз остонасини босиб ўтишган эди, – дейди мактаб директори Абдувосит Каримов. – Шу ўтган қисқа вақт ичида кичкинтойларимиз ўқиш ва ёзишни ўрганиш учун анчагина меҳнат қилишди ва ҳозирда улар барча ҳарфларни таниб, ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш кўникмаларини эгалладилар. Бугун алифбе билан хайрлашиш маросими болажонларимизнинг билим пиллапояларидан кўтарилганликларидан даракдир. Уларнинг шодликларига шерик бўлиш биз учун мароқли.

– Алифбени қўлимга олганимда роса хурсанд бўлганман, – дейди 1-«а» синф ўқувчиси Шаҳзодахон Иноятова. – Бугун ундаги ҳамма ҳарфларни ўзлаштирдик, қўшиб ўқишни, қўшиб ёзишни, санашни ўргандик. Бунда бизга синф раҳбаримиз Гулноза опа Алихонова катта ёрдам бердилар. Биз улардан жуда миннатдормиз.

Тадбир давомида болажонлар она Ватанни, тинчликни, Мустақилликни, ота-онани мадҳ этувчи шеър, куй ва қўшиқларни ижро этишди. Янги йил даракчиси бўлмиш Қорбобонинг байрамга ташрифи эса болажонлар учун кутилмаган совға бўлди.

**Нигора ТЎЛАГАНОВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

## ЮРАГИНИ БОЛАЛАРГА БАҒИШЛАГАНЛАР

**Ўзбек Миллий академик драма театрида «Юрагимни болаларга бағишлайман» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва «Sen yolg`iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳамкорлигида ўтказиладиган мазкур кўрик-танловда «2011 йилнинг энг яхши Меҳрибонлик уйи» ҳамда «Энг яхши тарбиячи» йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланди.

Ўзбекистон халқ таълими вазирининг ўринбосари А.Холбеков, «Sen yolg`iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ижрочи директори Р.Мустаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар аввало инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Ўзбекистонда миллати, ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, барча болаларнинг пухта билим олиши, миллий қадриятларимиз руҳида тарбия топиши учун етарлича шарт-шароит яратилган.

Меҳрибонлик уйларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа мутахассислари меҳнатини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Болаларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизими янада яхшиланиб, улар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига тўлиқ қамраб олинмоқда.

Юртимизда ҳар йили ўтказилаётган «Юрагимни болаларга бағишлайман» республика кўрик-танлови мураккаб тақдирли болалар тарбиясига ўзига хос тарзда ёндашиш, уларни ҳар жиҳатдан комил шахс этиб вояга етказиш борасидаги илғор иш тажрибасини оммалаштириш, моҳир педагог ва тарбиячилар фаолиятини жамоатчиликка яқиндан таништириш, уларнинг билим ва касб маҳоратини оширишга хизмат қилмоқда.

Танловда Меҳрибонлик уйларидаги маърифий-тарбиявий ишларнинг самарадорлиги, бунда илғор ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш, алоҳида эҳтиёжли болаларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига яқиндан кўмаклашиш, уларни кучли, аниқ ва манзилли ижтимоий ҳимоялаш каби масалаларга асосий эътибор қаратилди.

Тошкент шаҳридаги 30-Меҳрибонлик уйи «2011 йилнинг энг яхши Меҳрибонлик уйи» деб топилди. Пойтахтимиздаги Антонина Хлебушкина номли 22-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Лев Асрянц «Меҳрибонлик уйининг энг яхши тарбиячиси» йўналишида ғолиб бўлди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## БАРКАМОЛ ЁШЛАР — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

**Мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш ва вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бола ҳуқуқлари ва уларни таъминлашга катта эътибор қаратилган.**

Бу борада Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни юксак маънавиятли, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш бўйича олдимизга улкан вазифаларни қўйди.

Қарорда белгилаб берилган чора-тадбирларни ҳаётга изчил татбиқ этишда, қолаверса, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий тарғибот ишларини кенг йўлга қўйишда, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун ва моҳиятини тушунтиришда давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари ҳар жиҳатдан муҳим дастуруламал бўлмоқда. Дарҳақиқат, фарзандларимизнинг эртасини, истиқболини, келажакда бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришини ўйлаб қабул қилинаётган қарор, фармон ва фармойишлар мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш, уларга болалигиданоқ тўғри таълим-тарбия бериш ҳар биримизнинг масъулиятли вазифамиз. «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар ёшларимиз учун барча имкониятлар эшигини очиб берди. Жаҳон андозалари даражасида қад ростлаётган олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва мактаблар, замонавий спорт комплекслари ва уларда хизмат қилаётган ўз касбининг етук мутахассислари бўлган устоз-мураббийлар уларнинг етук инсонлар бўлиб вояга етишларига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Бизнинг коллежимизда ҳам ўқувчи-ёшларнинг касб-ҳунар эгаллаши билан бирга юксак маънавиятли инсонлар бўлиб вояга етишлари йўлида маънавий-маърифий тарғибот ишлари йўлга қўйилган. Турли қизиқарли танлов, тадбир, давра суҳбатлари ва элимиз ардоғидаги таниқли ёзувчи, олим, шоир ва бошқа турли касб эгалари билан бўладиган учрашувлар ушбу хайрли мақсадга хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, барча эзгу саъй-ҳаракатларимиз соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган.

Истиқлолга эришилган илк йиллардан бошлаб Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, ўсиб келаётган авлодни буюк аждодларга муносиб ворислар этиб вояга етказиш борасида босқичма-босқич изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўтган йиллар ичида эришилган ютуқлар, меҳнатларимиз самараси эса нафақат юртимиз, балки жаҳон аҳлини ҳам ҳайратга солмоқда. «Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам бўлмаймиз ҳам» шиорининг амалдаги исботи сифатида яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланган иқтидорли ва истеъдодли ёшларимиз халқаро мусобақалар, фан олимпиадалари ва танловларда ғолиблик шоҳсупасини забт этиб, Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтармоқда.

Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки фарзандларимизга аввало жуда ёшликдан илк тарбияни оилада тўғри бериш лозим, боғча, мактаб ва маҳаллада у давом этади, такомиллашиб, мустаҳкамланади. Ахир халқимизда «Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақшдир» деган нақл бежизга айтилмаган.

Зеро, ёшлар — эртанги кунимиз, бошлаган хайрли ишларимиз давомчилари. Шундай экан бугун уларга берилаётган таълим-тарбия мевалари эртага келажак учун хизмат қилади. Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшишимиз шарт ва шунга масъулмиз.

**Маъмура КАЗАКБАЕВА,**
**Тошкент Банк коллежи кафедра мудири**

2011 йил қувончлари

## ТАШАББУСИМ — МЕНИНГ ЮТУҒИМ

**Абдуғани ҚОСИМОВ, «Эътиқод» хусусий корхонаси директори, «Ташаббус — 2011» кўрик-танлови шаҳар босқичи ғолиби:**

— Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида, айниқса мустақиллик йилларида тадбиркорликка кенг йўл очилди. Бу қалбида эзгу нияти жўш урган, ота-боболари ишбилармону тадбиркор бўлган ҳамюртларимизнинг орзулари рўёбга чиқишида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожида муҳим аҳамият касб этди. Тадбиркорларимиз сафи йилдан йилга ортиб, иқтисодиётимиз ривожидаги ҳиссаси салмоқли бўлиб бораётгани бунинг яққол исботидир.

Шуни қувонч ва фахр билан таъкидлаш лозимки, соҳа ривожига қаратилган катта эътибор, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлар, имконият ва шарт-шароитлар бераётган самарани бугун барчамиз яққол кўриб турибмиз. «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиғи билан замонавий техника ва илғор технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз импорт ўрнини босиб, ички бозорни таъминлаши баробарида хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Халқаро андозаларга мос маҳсулотларимиз турлари ортиб бормоқдаки, бу чет эллик харидорларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, қулай инвестицион муҳит мавжудлиги хорижий сармоядорларга қўл келиб, ҳамкорликдаги қўшма корхоналаримиз сафи ортмоқда, рақобатбардош маҳсулот турлари кўпаймоқда. Сирасини айтганда, соғлом рақобат юзага келиб, корхоналаримиз аввалгидек омбор учун эмас, харидор дид ва талаби, эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда бозор учун ишламоқда.

Айниқса, 2011 йилнинг Президентимиз томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилингани айни муддао бўлиб, ишлаб чиқилган йил дастури ижроси юзасидан кўплаб ишлар бажарилди, тадбиркорларнинг имкониятлари янада кенгайди. Бир сўз билан айтганда, 2011 йил жуда қутлуғ йил бўлди, десам хато бўлмайди. Сафларимиз ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ортди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танлови ҳам ўзгача руҳда ташкил этилди. Ана шу танловнинг пойтахт босқичида 1-ўринни эгаллаб, «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлдик. Танловнинг республика босқичида «Энг яхши ёшларга иш берган тадбиркор» номинацияси ғолиблигига муносиб топилдик. Бу янада куч-ғайратимизни ошириб, тайёрлаётган мебель маҳсулотларимиз тури, сифати, экспорт ҳажмини оширишга, ёшлар учун қўшимча иш ўринлари яратишга муваффақ бўлдик.

Кириб келаётган Янги йилдан умидимиз катта. Энг асосийси эса кўзлаган мақсадларимиз сари дадил одимлаб, ташаббускорлик ва омилкорлик билан ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришдир. Ахир ташаббус бор жойда, ютуқлар ҳам қанот ёзиши, шубҳасиз-ку. Янги йил тадбиркорларимизга омадлар олиб келсин, 2011 йилда бошланган эзгу мақсадларнинг давоми ва ушалишига тилакдошман.

## ҲУНАРДАН РИЗҚИНГ УНАР

**Камолиддин АБДУЛЛАЕВ, «Ташаббус — 2011» кўрик-танловининг пойтахт босқичи ғолиби:**

— «Ҳунар — ҳунардан ризқинг унар» деган нақл бежизга айтилмаган. Юртимиз мустақилликка эришгач, мазкур ибора ўзининг янада яққол ифодасини топди. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг ҳунармандчилик, хусусий тадбиркорлик равнақига юксак эътибори миллий ҳунармандчилик ривожини таъминлади. Энг муҳими эса миллий қадриятларимиз тикланди, шарқона анъаналаримиз эъзоз топди, ота-боболаримиз, момоларимиз мероси саналган — халқ амалий ҳунармандчилиги ёшларимиз томонидан меҳр-муҳаббат билан давом эттирилмоқда. Қувонарлиси эса миллий ҳунармандчилигимиз довруғи жаҳонга ёйилди.

Ана шундай ҳунармандлар қаторида бўлганимдан беҳад фахрланаман. Берилган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда халқ ҳунармандчилигининг кўп асрлик бой анъаналари асосида амалий санъатнинг янги-янги намуналарини яратишга ҳисса қўшаётганимдан, устозлар ўгитига амал қилган ҳолда муносиб шогирдлар тайёрлаётганимдан мамнунман. Энг муҳими эса яратган маҳсулотларимиз халқаро кўргазмаларда ҳам эътироф этилмоқда, муваффақият қозонмоқда.

2011 йилдан шу боис ҳам мамнунманки, мен учун изланиш ва муваффақиятлар даври бўлди. Албатта, бунинг рағбатига ҳам эришдим. «Ташаббус — 2011» кўрик-танловининг шаҳар босқичида «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» йўналишида 1-ўринни эгаллаб, мамлакат миқёсидаги танловда «Энг намунали оилавий бизнес» номинацияси ғолиби бўлдим.

2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилингани мени янада қувонтирди. Албатта, Янги йилда оилавий бизнесни ривожлантиришга, кўплаб шогирдлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшаман. Меҳнатим самарасини ўзимнинг жозибали асарларим ва гўзал маҳсулотларимда акс эттириш ниятидаман.

Ўзбекистон савдо-саноат палатаси

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Сизларни Мустаҳкам оила йили билан самимий муборакбод этади. Янги — 2012 йил юксак фаровонлик йили бўлсин!
Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ватанимиз тараққиёти йўлидаги меҳнатингизда юксак зафарлар тилаймиз.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ҳафтанинг жума кунлари «Очиқ эшиклар куни» ўтказилади.

*Манзилимиз: Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй.*
*Тел.: 150-31-02, 233-51-46, 150-31-01 (факс).*
*e-mail: th@ chamber. uz.    web-side www. chamber. uz.*

## Қадрли юртдошлар, азим шаҳримиз аҳли!

Сизларни қутлуғ қадамлар билан кириб келаётган Янги — 2012 — Мустаҳкам оила йили билан чин қалбдан қутлаймиз.

## МУЛК ЭГАСИНИ ТОПГАНДАГИНА ИШДА УНУМ БЎЛАДИ!



## ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ МУЛКИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ МАРКАЗИ

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритиб, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган ва ўз даромад манбаини ошираётган ишбилармонларга камарбастадир.
Янги йилда ҳар бир хонадонга тинчлик-хотиржамлик, қут-барака, фаровонлик тилайди.

Давлат мулкини ижарага бериш масалалари бўйича
Тел.: 233-23-85; 236-39-94 (факс)га мурожаат этиб маълумот олишингиз мумкин.

## «DEKS» МЧЖ

*қутлуғ қадамлар билан кириб келаётган янги —*

## *2012 — Мустаҳкам оила йили*

*билан юртдошларимизни чин қалбдан табриклайди!*

Янги йилда ҳар бир оилага тинчлик, фаровонлик, тўкинлик, бахт-саодат, барака, омад ҳамроҳ бўлсин! Бунёдкор халқимиз Янги йилда янада кўп қурилишларни амалга ошириб, мамлакатимизнинг бундан-да гўзал, обод бўлишига ўзининг ҳиссасини қўшсин!

Megamix®
excellent solutions

## 2012

## АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

**Сизларни файз-тароват ила кириб келаётган Янги йил байрами билан чин кўнгилдан қутлаймиз!**

**2012 йил — Мустаҳкам оила йилида дилингизга тугиб қўйган барча эзгу ниятларингизнинг ижобат бўлишига тилакдошмиз. Ишларингиз доимо ўнгидан келсин, дастурхонингиздан файзу барака аримасин, азизлар!**

«ДОЙЧЕ КАБЕЛЬ АГ ТОШКЕНТ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

# «RAVNAQ BANK» ХОТБ ЖАОМИСИ

Акциядор ҳамда барча ҳамкорларини кириб келаётган Янги йил байрами билан самимий муборакбод этади.
Янги йилда хонадонингизни меҳр-муҳаббат ва тўкин-сочинлик, бахту омонлик тарк этмасин.
2012 йил – Мустаҳкам оила йили барчамизга омадли келсин.
Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин.



***«RAVNAQ BANK» ХОТБ*** *ишларингизда равнақ тилаб, сизларга ўзининг қуйидаги тезкор депозит омонат турларини таклиф этади:*

| № | Омонат номи | Фоиз ставкаси | Омонат муддати | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Мустақиллик | 14 | 1 ой | %% муддати тугагандан кейин тўланади |
| 2 | Пойтахт | 22 | 3 ой | %% ҳар ой тўланади |
| 3 | Фахрия | 24 | 3 ой | %% ҳар ой тўланади, пул маблағлари нафақаларидан қабул қилинади |
| 4 | Талаба | 24 | 3 ой | %% ҳар ой тўланади |
| 5 | Равнақ | 26 | 6 ой | %% ҳар ой тўланади |
| 6 | Тезкор | 28 | 2,3 йил | %% ҳар ой тўланади |
| 7 | Осие | 28 | 1йил | %% ҳар ой тўланади |
| 8 | Қулай | 24 | 1 йил | %% ҳар ой ҳисобланади, ҳисобланган фоизлар коммунал тўловлар учун ўтказилади |
| 9 | Соғлом авлод | 12 | камида 3 йил | %% ҳар ой тўланади |

Хизматлар лицензияланган.

IPOTEKA BANK

# Азиз юртдошлар!

## Ипотека-Банк жамоаси

сизни кириб келаётган
янги 2012 йил билан
табриклайди.

Янги йил бахт, омад,
қувонч, мустаҳкам соғлиқ,
тинчлик ва хотиржамлик келтирсин.

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

«Ўзстандарт» агентлиги Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси жамоаси

Янги — 2012 йил билан барчангизни табриклайди!

Мустаҳкам оила йилида халқимизга бахт, омад, фаровонлик, соғлик, барака тилайди.

Ҳафтанинг жума кунлари «Очиқ эшиклар куни» ўтказилади

Телефон: 227-10-03.

## «ГАЗТРАНССЕРВИС-ИНВЕСТ» УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

*ҳамшаҳарларимиз ва азим пойтахтимиз меҳмонларини энг латофатли байрам — Янги йил билан қутлайди!*

**2012 йил — Мустаҳкам оила йилида меҳр-муҳаббатли, аҳил-фаровон оилалар кўпаяверсин!**

Мустақил юртимиз тараққиёти йўлидаги эзгу ишларимиз бароридан келсин!

Азиз юртдошларимизни кириб келаётган 2012 йил – Мустаҳкам оила йили билан самимий муборакбод этамиз.

Янги йил ҳар бир хонадонга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака келтирсин. Ватанимиз равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатларингизга ривож, эзгу ниятларингиз рўёбга чиқишини тилаймиз. Йўлларингиз ҳамиша ойдин ва бехатар бўлсин!



«12-автобус саройи» ОАЖ жамоаси

## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Миробод тумани СИБ томонидан 2011 йил 23 ноябрдаги Тошкент шаҳар жиноий ишлар судининг 24120/21-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда.

1.Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шевченко кўчаси, 36-уй, 11-хонадон. Умумий майдони 225,18 кв.м., фойдали майдони 140.6 кв.м. бўлган мулк қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси 491 700 000 сўм.

2.Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шевченко кўчаси, 38-уй, 12-хонадон. Умумий майдони 224.55 кв.м., фойдали майдони 140.66 кв.м. бўлган мулк қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси 490 324 000 сўм.

Савдога Миробод тумани СИБ томонидан 2011 йил 21 ноябрдаги Тошкент шаҳар жиноий ишлар судининг 24119/21-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шевченко кўчаси, 38-уйда жойлашган нотурар жой биноси. Умумий майдони 947 кв.м.

Бошланғич баҳоси 1 287 830 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 26 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги мулк 2012 йил 26 январь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 10 февраль куни бўлиб ўтади.

Юқоридаги мулклар билан тегишли СИБ вакили иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, **«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ** Тошкент шаҳар, «Ипотека банк» АКИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО: 00425, СТИР: 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.

Лицензия: RR-0052

«ТРАСТБАНК» ХОАББ ЖАМОАСИ

TRASTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

юртдошларимизни кириб келаётган
Янги — 2012 йил билан
муборакбод этади!

Азал-азалдан эзгу тилаклар рамзи бўлган Янги йил барчамизнинг хонадонимизга тўкин-сочинлик, фаровонлик, бахт ва омад олиб келсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси
ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари



барча юртдошларимизни кириб келаётган Янги 2012 йил — Мустаҳкам оила йили билан муборакбод этади.
Мустақиллик шарофати билан гуллаб-яшнаётган Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайди.
Юртимизни жаҳонга танитишда ўзининг билими, етук салоҳияти билан турли жабҳаларда ўрнак бўлаётган ёшларимизга доим омад ёр бўлсин.

Янги йилингиз билан,
АЗИЗЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ВА ТИББИЁТ ҲУЖЖАТЛАРИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИ ЖАМОАСИ

қадрли юртдошларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини обод диёримизга файзу барака бахш этган ҳолда кириб келаётган Янги йил байрами билан чин кўнгилдан кутлайди.
Эл-юртимиз фаровонлиги йўлидаги барча ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз. Йил давомида яхши кайфият ва омад сизларни асло тарк этмасин!

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Сергели туман СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 17 майдаги ЖСҲ-1-87/2010-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Сергели-8А мавзеси, 11-уй, 8-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 95,38 кв.м бўлган, 4 хонали уй-жой қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси – 61 000 000 сўм.**

**Аукцион савдолари 2012 йил 30 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 26 январь куни соат 18:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Лицензия: RR-0001

2515 ва 2521-автожамланмаларнинг тугатиш комиссиялари қурилиш материаллари сифатида бузиб олиб кетиш шарти билан бино ва иншоотларнинг сотилишини маълум қилади.

**Тел. 733-44-77, 353-12-13.**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.**

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети томонидан 2000 йил 23 июнда Ғойибова Мухайё Бозорқуловна номига берилган №027231 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Яккасарой туман тиббиёт бирлашмаси — Марказий кўп тармоқли поликлиника жамоаси тиббиёт статисти Рихси Султоновна Абдуллаевага падари бузруквори

**Абдулло ота АБДУРАҲМОНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.







ЯНГИ ЙИЛ ҚУВОНЧИ

# ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ ШУКУҲИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мустақиллик майдонидаги байрамона безатилган улкан арчанинг ўзи бир томоша, — дейди биз билан суҳбатда жиззахлик Сувонқул ака Хонкелдиев. — Бутун оилам билан пойтахтни, ундаги бош арчани томоша қилгани келдик. Фарзандларимга совға-саломлар олиб бердим. Қорбобо ва Қорқизлар билан эсдалик учун расмга тушдик. Санъаткорлар ижро этаётган томошалар ҳам маромига етказиляпти. Бу ерда ҳордиқ чиқариш, томоша қилиш, совға-саломлар олиш, аттракционларда учиш учун барча шарт-шароитлар яратилгани ҳар қандай кишининг дилини яйратишига ишончим комил.

Дарҳақиқат, асосий янги йил байрам тадбири ўтказиладиган Мустақиллик майдони бу йил ўзгача руҳда безатилди. Майдон атрофидаги барча дарахтларга ёритиш чироқлари ўрнатилди, байрам совғалари билан савдо қилувчи павильонлар янгича руҳда тайёрланиб жойлаштирилган. Хуллас, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари учун майдонда барча қулайликлар яратилган.

Ҳа, юртимизга янги йил байрами руҳи ва байрам шукуҳи кириб келди. Мустақиллик майдонидаги бош арча билан бир қаторда шаҳримизнинг жуда кўп жойларида янги йил арчалари ўрнатилиб, томошалар ўтказилиши йўлга қўйилди.

Шаҳримизнинг 12 та жойида, жумладан Абдулла Қодирий, Мирзо Улуғбек, Ғафур Ғулом, Бобур, Боғишамол номидаги маданият ва истироҳат боғларида ҳамда «Авиасозлар» маданият саройининг олдидаги очиқ майдонда, Тракторсозлар даҳасидаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи филиалида, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида, Чилонзор тумани Ал-Хоразмий даҳасидаги майдонда, Сергели туманидаги «Бахт Диёр» гузари олдидаги майдонда, Бектемир туманидаги «Сувчи» даҳасидаги маданият уйи олдидаги майдонда, Шайхонтоҳур туманидаги «Ибн Сино» гузари атрофидаги майдонда, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри майдонида саҳналаштирилган янги йил байрам тадбирлари бошлаб юборилди.

Ушбу майдонларни байрамга мос равишда безаш ишлари амалга оширилиб, янги йил совғалари савдолари ҳамда байрам тадбирларида Қорбобо, Қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари ниқобларида театрлаштирилган томошалар ташкил этилмоқда.

Янги йил муносабати билан туман ҳокимликлари, Халқ таълими бош бошқармаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим бошқармаси, олий ўқув юртлари томонидан алоҳида жадвал асосида талаба-ўқувчилар ўзларининг янги йил байрамига бағишланган театрлаштирилган томошаларини намойиш этмоқдалар.

Тошкент шаҳрининг барча марказий, шоҳкўчалари ва кўчалари ҳамда ушбу кўчаларда жойлашган барча объектларда байрамга мос равишда безаш, байрамга оид шиорлар ҳамда безатилган янги йил арчаларини ўрнатиш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, туман ҳокимликлари томонидан маҳалла ва мавзелар ҳудудининг 40 та жойида қўшимча равишда 4-10 метрлик янги йил арчалари ўрнатилиб, унинг атрофида янги йил байрами томошалари ўтказилиши ҳамда янги йил савдо ярмаркалари ташкил этилиши йўлга қўйилди.

Имкониятдан фойдаланиб, барча ҳамшаҳарларимизни оиласи билан янги йил байрами томошаларига таклиф этамиз.

---

**Пекинда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан «Менинг ранг-баранг болалигим» деб номланган болалар суратлари кўргазмаси очилди.**

## ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Пекиндаги «Ванхуалу» мактаби, Хитой болалар санъати уюшмаси, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада юртимиздаги «Янги авлод» ва «Эски шаҳар форуми» ҳамда Пекиндаги болалар марказлари, «Ванхуалу» мактаби тарбияланувчиларининг 100 дан ортиқ ижодий асарлари намойиш этилди.

Кўргазмада Хитой ва Ўзбекистон болалари ўртасидаги дўстлик алоқалари, уларнинг бор иқтидорини ишга солиб яратган ижодий асарлари барчага манзур бўлди. Мазкур тадбир икки мамлакат болаларига бир-бирининг маданияти, анъаналари ва урф-одатлари билан янада яқинроқ танишиш имконини беради. Кўргазма болалар ўртасида маданий мулоқотни ривожлантириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлиш билан бирга мамлакатларимиз ўртасида дўстона алоқаларни янги босқичга кўтаришга катта ҳисса қўшади.

Унда юртимиз элчихонаси вакиллари «Тошкент қувончлари» болалар суратлари халқаро биенналесида ғолибликни қўлга киритган «Ванхуалу» мактаби ўқувчиси Шичэнь Дуануга олтин медаль ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг махсус совғаларини топширишди.

Ўзбекистонлик ва хитойлик ёш рассомлар томонидан тақдим этилган энг ёрқин, ўзига хос бежирим ранглар билан инсонни ром этувчи ижод намуналари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

---

## ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

**Иқтисодий тадқиқотлар марказида «Очиқ эшиклар куни» бўлиб ўтди. Унда Миллий, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, халқаро Вестминстер университетлари, Сингапур менежментлар тайёрлаш институти, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси талабалари қатнашди.**

Ушбу тадбир иқтисодий тадқиқотлар марказининг Республикадаги олий ўқув юртларида ўтказган долзарб мавзуларга бағишланган маърузаларининг мантиқий давоми бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Очиқ эшиклар кунида талабалар марказ фаолиятига доир ишлар самарадорлигини таъминлашдаги зарурий ускуналар, замонавий илмларни бошқарув воситалари, шунингдек марказ қошидаги нашриёт фаолияти билан танишдилар.

Марказда олиб борилаётган илмий ишларга ёшларнинг қизиқиши юқори эканлигини ҳисобга олган ҳолда, «Очиқ эшиклар куни» ҳар ойда ўтказилиб, унда марказ фаолиятига дахлдор миллий, ҳудудий ва бутунжаҳон тараққиётининг долзарб масалаларига бағишланган тадқиқотлар, илғор ғоя ва таклифлар тақдим этиладиган бўлди. Ушбу ташаббус турли фанларга иқтидори баланд бўлган талабалар орасидан марказнинг ва бошқа шунга ўхшаш институтларнинг аналитик ва экспертлик салоҳиятини ривожлантиришга ҳисса қўша оладиган ҳар томонлама етук кадрларни тайёрлаш борасида ўзига хос муҳим қадам бўлди.

**«Туркистон-пресс»**

---

**Спорт янгиликлари**

## ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

**Маълумки, 2014 йилда Бразилияда футбол бўйича уюштириладиган жаҳон чемпионатида иштирок этишни ўз олдига қатъий мақсад қилиб қўйган Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси жорий йилда жаҳон чемпионатига саралаш турнири учрашувларини муваффақиятли якунлади.**

Аммо, келгуси йилда Вадим Абрамов шогирдларини жиддий беллашувлар кутиб турибди. Чунончи, келгуси йилнинг 29 февралида Японияда Япония — Ўзбекистон терма жамоалари ўртасидаги баҳс билан жаҳон чемпионатига саралаш турнири учинчи босқичи гуруҳ баҳслари якунига етади. Агар ушбу беллашувда футболчиларимиз ғалаба қозонишса ёки дуранг натижа қайд этишса пешқадам сифатида кейинги ҳал қилувчи босқичга йўлланма олишади. Ҳар бир учрашувни имкон қадар ғалаба билан якунлашга аҳд қилган футболчиларимиз саралаш турнирига тайёргарликни қисқа танаффусдан сўнг келгуси йилнинг 17 январидан бошлашни режалаштиришди. Айнан шу куни терма жамоамиз сафарда қувайтлик чарм тўп усталари билан назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашишади. Февраль ойида эса Японияга сафар олдидан яна бир ўртоқлик учрашуви ўтказилиши режалаштирилган. Яъни, 27 февралда Бангкокда Таиланд терма жамоаси билан бўладиган баҳс терма жамоамиз учун сўнгги тайёргарлик босқичи вазифасини ўтайди.

---

**Шаҳримиздаги «Аҳмад Югнакий» болалар соғломлаштириш мажмуасида мини-футбол бўйича «Ўзбекинвест» компанияси Кубоги учун Мирзо Улуғбек туманидаги маҳаллалар болалари ўртасида мусобақа ўтказилди.**

## «ЮЗРАБОТ» МАҲАЛЛАСИ — КУБОК СОҲИБИ

Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ҳамкорликларида уюштирилган ушбу мусобақада тумандаги ўн иккита маҳалла жамоалари ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришди.

Муросасиз курашларга бой, қизиқарли кечган беллашувлар якунида «Ўзбекинвест» компанияси Кубоги турнирга пухта ҳозирлик кўрган «Юзработ» маҳалласи жамоасига насиб этди.

Мусобақада фахрли иккинчи ўринни «Аҳмад Югнакий» маҳалласи эгаллаган бўлса, Ал-Фаробий маҳалласи командаси учинчи ўрин билан кифояланди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

---

**Пиротехника воситаларига йўл йўқ**

## ФУҚАРОЛАРИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 10 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситаларининг муомалада бўлишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиқиб давлат солиқ хизмати органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда назорат тадбирларини амалга оширмоқдалар.**

Жумладан, ҳозирги кунда бозорларда, турғун савдо шохобчаларида, маҳалла ҳамда мактаб, ўрта махсус таълим муассасаларида пиротехника воситаларининг ноқонуний сотилиши ва фуқаролар томонидан харид қилинишининг олдини олиш ҳамда бу борада юзага келиши мумкин бўлган нохуш салбий оқибатларни аҳолига кенг кўламда тушунтириш ишлари амалга оширилмоқда.

Аҳоли хавфсизлиги, юртимиз тинчлиги, фуқароларнинг хотиржамлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган бу каби ишлар ҳозирги кунда ўз самарасини бермоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 сентябрдаги «Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунининг 1-2-моддасига асосан Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш киритилиб, «Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи» моддалари билан тўлдирилган.

Аммо шунга қарамай, инсонлар ҳаётини таҳдидга солувчи пиротехника воситаларини четдан ноқонуний олиб кирувчи кимсалар ҳам йўқ эмас. Қонунбузар сохта «тадбиркорлар» фаолиятига чек қўйиш мақсадида Яккасарой туман ДСИ ходимлари ҳам назорат тадбирларини олиб бормоқдалар.

Хулоса қилиб шуни айтиб ўтиш жоизки, барчамиз ўзимиз ва яқинларимизнинг саломатлигини асраган ҳолда фарзандларимизни пиротехника воситалари оқибатида келиб чиқадиган хавфлардан сақлайлик. Шунда доим осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч ва осуда бўлади ҳамда янги йилни оиламиз даврасида табассум билан қарши оламиз.

**М.ГИНИЯТУЛЛИН,**
**Яккасарой туман Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғининг ўринбосари**

---

ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

**Бир кишининг кўнглига ўғрилик ҳаваси тушибди ва шу ҳунарни ўзлаштиришга жазм қилибди. Унга Нишопур шаҳрига борсанг, бу ишда пихини ёрган бир одам бор, ўша сенга таълим беради, деб маслаҳат беришибди.**

**Ҳаваскор ўғри Нишопурга йўл олибди, ўша одамнинг уйини топиб:**

**– Ўғрилик илмини мукаммал ўрганиш мақсадида ҳузурингга келдим, – дебди.**

**Устоз ўғриликдан бирмунча дарс берибди, кейин унинг олдига таом келтириб қўйиб:**

**– Қани, чап қўлинг билан егин-чи, – дебди.**

**Ҳаваскор ўғри умрида чап қўли билан таом емаган экан, овқатни еёлмабди.**

**Буни кўриб устоз ўғри шундай дебди:**

**– Ўғилгинам, сен танлаган касб шундай бир касбки, агар қўлга тушиб қолсанг, албатта, ўнг қўлингдан айрилиб қоласан, ўшанда қийналиб қолмаслик учун ҳозирданоқ чап қўл билан таом ейишни машқ қилишинг керак.**

**Бу сўзни эшитиб, ҳаваскор ўғри бирдан ўзига келибди: «Тоғни талқон қиладиган шундай қўлни жувонмарг қилиш ва ундан маҳрум бўлиш хавфини туғдирадиган бундай ҳунарнинг баҳридан кечиш керак», – дебди.**

* * *

**Бир хотин Лайс ибн Саъддан озгина асал сўраганида, унга бир меш асал беришларини буюрди. Шунда одамлар:**

**– Озроқ берсангиз ҳам бўлар эди-ку? – дейишганида, у зот жавоб қилди:**

**– У аёл ўз эҳтиёжларига сўради, биз эса ҳолимизга яраша бердик.**

* * *

**Ҳикоя қилдиларки, бир куни саховат билан ном қозонган Қайс ибн Саъд ибн Убода оғриб қолди. Лекин ёр-дўстлари уни кўргани келишавермади.**

**–Улар сиздан қарзлари кўплиги учун келгани уяляптилар, – дейишди хизматкорлар.**

**Шунда у:**

**– Дўстларнинг йўлини боғлаган молдунёга Тангрининг лаънати бўлсин! – деб жарчини чақиртирди-да, унга буюрди:**

**– Жар солиб айтгинки, кимда-ким Қайс ибн Саъддан қарздор бўлса, ҳозирдан бошлаб ҳамма қарзларидан озод!**

**Шундан кейин уни кўргани келганларнинг кўплигидан кечга бориб уйига одам сиғмай кетди.**

* * *

**Бир киши дўстининг ёнига келиб, тўрт юз дирҳам қарз бўлиб қолганини айтиб, ундан ёрдам сўради. Дўсти унга дарҳол айтилган микдордаги пулни топиб бериб жўнатди-ю, уйга қайтиб киргач, йиғлаб юборди. Хотини унга:**

**– Бунчалик қийналар экансан, нега бердинг? – деди.**

**– Унинг ҳолини сўрамай, уйимга ёрдам сўраб келишга қадар мажбур қилганим учун йиғлаяпман, – деб жавоб берди у.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

**(Давоми бор)**

---

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **30 декабрь** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғингарчилик (ёмғир, қор) бўлади. Эрталаб ва кечки пайт туман тушиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси ва кундузи — 0-2 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **30 декабрда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

---

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**
ISSN 2010-9229

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2794 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

**Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г- 1241

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 15.50 1 2 3 4 5